

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси

# **ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ**

**2020  
№ 4 (90)**

**1997 йилдан нашр этилади**

**Тошкент – 2020**

---

# ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

**Бош муҳаррир:**  
Бекмуродов А.Ш.

**Таҳрир ҳайъати:**  
Азизов Х.Т.  
Алимов Б.Б.  
Хусанов О.Т.  
Бекмуродов М.Б.  
Раҳимова Д.Н.  
Жалилов А.Т.  
Хамидулин М.Б.  
Мавлонов Ў.М.  
Хайитов Х.С.  
Раҳманов Қ.С.  
Умарова Н.Т.  
Исламкулов А.Х.  
Қаюмова К.Н.

**Таҳририят:**  
**Масъул муҳаррир:**  
Бахранов Л.Э.

**Муҳаррирлар:**  
Кабулова Д.Б.  
Абдуллаева Г.Л.

**Мусахҳиҳлар:**  
Абдуллаева М.С.  
Шорихсиева А.Ф.

**Техник муҳаррир:**  
Юлдашев А.Ж.

**Муассис:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси томо-  
нидан ижтимоий-иқтисодий фанлар  
йўналиши бўйича олиб борилаётган  
тадқиқотларнинг натижалари асоси-  
да ёзиладиган илмий мақолаларни  
нашр этишга тавсия этилган омма-  
вий ахборот воситалари жумласига  
киритилган.

**Таҳририят манзили:**  
100066, Тошкент,  
Ислом Каримов кўчаси, 45  
Мурожаат учун телефон:  
71-232-60-76, 71-232-60-77

E-mail: [jurnal95@mail.ru](mailto:jurnal95@mail.ru)

Буюртма:

ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

---

Босишга 14.10.2020 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/8. Нашр босма табоғи 12.3. Адади 70 нусха. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси босмахонасида чоп этилди.

Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й. Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 45.

## Мундарижа/Содержание/Contens

**Ушбу сон мавзуси:** Замонавий методлар ва технологиялар — давлат бошқаруви самарадорлигининг муҳим омилли

**Тема выпуска:** Современные методы и технологии — важный фактор эффективности государственного управления

**Issue subject:** Modern methods and technologies are an important factor in the effectiveness of public administration

5 Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги

9 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги йиғилишлар, учрашув ва ташрифлар хроникаси

### Бошқарувнинг замонавий ҳуқуқий асослари / Современные правовые основы управления / Modern legal bases of management

21 *Хушвақт ХАЙИТОВ, Боту АЛИМОВ.* Давлат фуқаролик хизматида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари

27 *Қаҳрамон УМИДУЛЛАЕВ.* Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш бўйича назарий-ҳуқуқий таҳлил

34 *Жўрабек МАХСУДОВ.* Самарали ҳуқуқий тарғибот — мамлакат тараққиётининг гарови

40 *Зулфия ХАМИДОВА.* Хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари

49 *Элдор ҲАМРОЕВ.* Пойтахтнинг ҳуқуқий мақоми: миллий қонунчилик таҳлили ва хорижий тажриба

### Давлат бошқарувида замонавий тенденциялар / Современные тенденции в государственном управлении / Current trends in the economic sphere

55 *Абдуманнон ТУЛЯГАНОВ, Бори АКРАМХОДЖАЕВ, Захид МИРЗААХМЕДОВ.* Взаимодействие управления и искусственного интеллекта: теория и практика

66 *Камолiddин ҚОДИРОВ.* Психодиагностика раҳбар кадрларни баҳолаш усули сифатида

73 *Акмал ЖУМАБОЕВ.* Бошқарувда тизимли ёндашувнинг илмий-назарий ва концептуал жиҳатлари

80 *Муҳаммадjon ЧУТПУЛАТОВ.* Ёш раҳбар кадрларнинг самарали бошқарувга оид компетенцияларини шакллантириш масалалари

### Иқтисодий соҳани ривожлантириш масалалари / Вопросы экономического развития / Issues of economic development

86 *Акбар САИТҚОСИМОВ.* Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида "йўл харитаси"нинг аҳамияти

**Зулфия ХАМИДОВА,**  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*  
*таянч докторанти*

## **ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Ж**аҳон тажрибасидан маълумки, ҳунармандчиликка маданий мероснинг бир йўналиши сифатида қаралган давлатларда, одатда, Маданият вазирлиги томонидан сиёсат олиб борилади ва асосан, ҳунармандчилик турлари бўйича рўйхатга олиш ва уни кенгайтиришга эътибор қаратилади (Япония, Франция). Бундан фарқли ўлароқ, ҳунармандчиликка саноатнинг ижодий аҳамиятга эга соҳаси сифатида қаралганда, уларга иқтисодиёт ёки ривожланиш учун масъул вазирликлар жавобгар бўлади, шунингдек, ҳунармандчилик фаолиятини рўйхатга олиш ва уни кенгайтириш билан бирга, ушбу соҳа кесимида қўшимча ишчи ўринларини кўпайтириш мақсадида амалда ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш жараёнини енгиллаштирувчи усул ва воситаларни қўлайдилар (Япония, Ҳиндистон, Италия) [1].

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳунармандчилик фаолиятига саноатнинг маданий-ижодий соҳаси сифатида қаралиб, бугунги кунда уни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Бунда, табиийки, ушбу соҳанинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, энг аввало, сиёсий-ҳуқуқий муҳитни яратишдан бошланади. Қайд этиш жоизки, "Ҳунарманд" уюшмаси Жаҳон Ҳунармандлар Кенгаши (World Craft Council)нинг аъзоси бўлгани [2] мамлакатимиз миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича юксак салоҳиятга эга эканлигидан дарак беради. Шу билан бирга, миллий-тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчилик турларини сақлаш, қайта тиклаш, шунингдек, салоҳиятли ёшларни кўпроқ жалб қилиб, нафа-

қат бу соҳанинг давомчиларини шакллантириш, балки аҳоли бандлигини ҳам таъминлашда давлатимиз томонидан чиқарилган қонун ва қонуности ҳужжатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишдан олдин, чор Россияси ва собиқ иттифоқ даврида бу борадаги давлат сиёсати ҳамда ҳунармандчиликнинг ҳолатига бироз бўлса-да тўхталиш мақсадга мувофиқ, чунки бу даврда ҳунармандчилик соҳаси сезиларли даражада инқироз даврини бошидан кечирган.

**Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳунармандчилиги узоқ тарихий илдизларга эга бўлиши билан бирга, турли тарихий даврларда шафқатсиз синовларга дош берди. Минг йиллар давомида беҳисоб халқ ҳунармандчилик бойликлари хорижий давлатларга ташиб кетилди. Юнон, араб, мўғул, сўнг чор Россияси ва собиқ иттифоқ даврида юртимиз, жумладан, унинг ҳунармандчилиги қайта-қайта зарбага учради.**

Ўрта Осиёда ҳунармандчиликнинг барча турлари XX асрнинг 20-йилларигача сақланиб келган бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ишлаб чиқариш муносабатларида катта роль ўйнаган. XIX асрнинг 60-йилларида Хивада ҳунармандчиликнинг 27 тури ривож топган, шаҳардаги бозорларда ҳунармандларнинг 556 та дўкони бўлган, 80-йилларда шаҳарда 2528 та хўжалик ҳунармандчилик билан шуғулланган [3]. XX аср

бошларигача ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли ҳаётида тирикчиликнинг асосий воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этган. Туркистон ўлкасининг барча ўтроқлашган туманларида 1913 йилда умумий ҳунармандчилик корхоналари сони 108 мингтани, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариши 60 млн. сўмни, яъни ҳар бир ҳунармандчилик корхонасига ўртача 555 сўмдан тўғри келган. Шунингдек, бу ҳудудларда 95709 та касибчилик корхоналари мавжуд бўлган. Кейинчалик Ўзбекистон ССР тасарруфига ўтган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида эса 35200 та ҳунармандчилик корхоналари ҳисобга олинган. Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1917 йилда тахминан 105-118 мингтагача ҳунармандчилик корхоналари фаолият қўрсатган [4].

1917 йил октябрь тўнтарилишидан кейин, ярим феодал ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳукмрон бўлган ўлкада шўролар ҳукумати тўғридан-тўғри социалистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларни зўрлик билан қарор топтириш йўлидан борди. Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир тузилган барча дастурлар маҳаллий шароитни ҳисобга олмай амалга оширила бошлади. Соҳага доир бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, институционал ўзгаришлар амалга оширилди.

Қабул қилинган аксарият қонун ҳужжатлари ва улар доирасида амалга оширилган институционал ўзгаришлардан асосий мақсад:

биринчидан, аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни санотлаштириш бўлган. Чунки бу даврга келиб нисбатан такомиллашган технологиялардан фойдаланиш Россия ва бошқа хорижий мамлакатларда йўлга қўйилган эди, бу эса, қисқа вақт бирлиги ичида маҳсулот ҳажмини ошириш имконини берар эди;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини марказлашган тартибда давлат томонидан, яъни маъмурий-бўйруқбозлик тизими асосида бошқариш эди;

учинчидан, халқимизнинг миллий қадриятлари, маънавий мероси, шунингдек,

тарихан ривожланган ўзига хос ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини издан чиқариш бўлган.

Тўздан амалга оширилган ўзгартиришлар натижасида бу даврда миллий ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари жиддий рақобатга учради, баъзи турлари эса ривожланишда давом этди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятлар ҳамда урф-одатларимиз асосида тарихан ривожланган ҳунармандчилик фаолияти турларини ривожлантириш, чоризм ва шўролар давридаги нотқғри сиёсат сабаб инқирозга учраган соҳа турларини қайта тиклаш борасида давлат сиёсати даражасида ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Бу доирада бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари [5] ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари [6] қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1741-сонли Фармони бу борада илк қадам бўлди. Ушбу Фармонда миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадиий ҳунармандчилик турлари ва амалий санъатининг аҳамиятини ошириш, шунингдек, қўлда ишланадиган юксак ижод маҳсули бўлган бадиий буюмларни тайёрлашнинг асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини қайта тиклаш ва ўз юксак тажриба-малакаларини келажак авлодга ўргатишда бош-қош бўлган халқ ҳунармандларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган эди.

Шунингдек, 2008 йил 1 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3983-сонли Фармонида кўра, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибда фаолият олиб бораётган ҳунармандлар 2010 йилнинг апрелига қадар, кейин 2012 йилнинг 1 апрелигача, ундан кейин 2014 йилнинг 1 январигача, кейинги босқичда эса 2017 йилнинг 1 январига қадар босқичма-босқич қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилиш жараёни узайтириб борилди.

Оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини кенгайтириш ҳамда бу соҳа доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини янада ошириш, шунингдек, ушбу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 216-сонли қарори алоҳида аҳамият касб этди.

**Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2699-сонли қарорига асосан, 2017 йил 1 январидан ҳунармандлар учун белгиланган ушбу имтиёз бекор қилинди ва ҳунармандлар энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқни тўлашлари белгилаб қўйилди. Табиийки, ҳунармандларнинг солиққа тортилиши улар сонининг кескин камайишига олиб келди, чунки ҳуқуқий кафолатлар бу соҳани ривожлантириш учун асосий дастак вазифасини ўтайди.**

Мавжуд салбий вазият ҳунармандчилик фаолиятини қайта ислоҳ қилинишига туртки бўлди. 2017 йил 17 ноябрдаги Фармонга асосан ҳунармандлар қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилдилар. 2009 йил 29 июлдаги 216-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган "Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомга киритилган ўзгартиришларга кўра, 2017 йил 17 ноябрдан ҳунармандчилик фаолияти турлари 42 тадан 34 тага қисқартирилди [7].

Ушбу фаолиятни ривожлантириш йўлидаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни тизимли бартараф этиш, Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва янада бойитиш, ҳунармандчиликни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланишга аҳолини, айниқса,

ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни жалб қилишга рағбатлантириш мақсадида 2017 йилнинг 17 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан, "Ҳунарманд" уюшмаси сафларига ҳунармандларнинг кенг оммасини қамраб олиш, шунингдек, ҳунармандчиликнинг кичик бизнес ва яқка тадбиркорлик ривожланишининг кучли мустақил йўналишга айланишига йўл бермаётган ҳамда уюшманинг чекланган салоҳияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Фармонда ҳунармандлар учун имтиёз ва қулайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган бўлиб, хусусан, 2017 йилнинг 1 декабридан Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган ҳунармандчилик субъектлари бир қатор имтиёз ва шарт-шароитларга эга бўлдилар (1-жадвал).

Ҳунармандлар учун имтиёз ва қулайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш мақсадида 2018-2019 йилларда республикамизнинг 23 та шаҳар ва туманларида ҳунармандчиликни ривожлантириш марказларини яратиш назарда тутилган бўлиб, ушбу марказлар тарихий-анъанавий архитектура услубида қурилиб, улар ҳудудида туристларни кенг жалб қилиш учун "Тарихий шарқ бозори" услубидаги савдо расталари, халқ ижоди усталари томоша кўрсатиш махсус жойлари, карвонсаройлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши назарда тутилди. Шунингдек, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича тасдиқланган манзилли дастурларга кўра, 2018-2019 йилларда қиймати 146,6 миллиард сўмга тенг, шундан 86,8 миллиард сўм бўлган тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига, аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келадиган 9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишини кўзда тутувчи 3015 та лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланди.

**Хунармандчилик субъектларига яратилган шарт-шароитлар**

<b>1.</b>	<b>Хунармандларга қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадаллари бўйича имтиёзлар</b>
1.1.	Хунармандчилик фаолияти маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилди.
1.2.	Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловидан озод этилди.
1.3.	Қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадалининг 50 фоизини тўлайди. Хунармандлар касб-хунар коллежларининг махсус устахоналарида хунармандчилик бўйича таълим бериш ҳуқуқига эга бўлишди. Улар билан яқка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузилади ва кўрсатилган хизмат учун солиқ ундирилмайди.
1.4.	“Уста-шогирд” мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар ЭКИХнинг камида 2,5 баравари миқдорда суғурта бадали тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.
1.5.	Доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар касса аппаратлари ва савдо терминалларидадан фойдаланади, шунингдек, нақд пул тушумини ихтиёрий тартибда инкассация қилади.
<b>2.</b>	<b>Имтиёзли валюта режими</b>
2.1.	Хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасаруф этиш, шу жумладан, банк ҳисоб рақамларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечиб олиш ҳуқуқи берилди.
2.2.	Хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомида сотилган хунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.
<b>3.</b>	<b>Имтиёзли кредитлар</b>
3.1.	“Микрокредитбанк” АТБ, “Халқ банки” АТБ ва “Агробанк” АТБ томонидан хунармандларга 6 ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 2 йил муддатга, ЭКИХ (энг кам иш ҳақи)нинг 300 бараваригача миқдорда миллий валютада имтиёзли микрокредитлар берилади. Ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитлар бўйича ставка Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50%ини, айланма маблағларни тўлдириш учун эса ушбу ставканинг 100%ини ташкил этади.
3.2.	Имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини хунарманднинг ссуда ҳисоб рақамидан унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ, тегишли ташкилот ёки жисмоний шахснинг талаби бўйича депозит ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан, кейинчалик ушбу ташкилот ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатида мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.
<b>4.</b>	<b>Содалаштирилган тартибда хусусийлаштириш ва давлат мулкни ижарага олиш</b>
4.1.	Хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида (“ноль” харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш хоҳишини билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматида (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади). Бир неча хунарманд бир объектни (“ноль” харид қийматида) олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очик савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу хунармандлар иштирок этади. Бунда ушбу объектлардан камида 5 йил мобайнида хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.
4.2.	Хунармандларга давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50%и миқдорда белгиланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимиз, миллий ўзлимиз, бетакрор қадрият ва анъаналаримиз тимсоли бўлган халқ амалий санъатини ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу йўна-


лишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва шу асосда Ўзбекистоннинг бу соҳадаги улкан салоҳият ва имкониятларини дунёга намоён этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қабул қилинган фармон, ҳуқуқий ҳужжатлар

билан ҳунармандларга яратиб берилган имтиёзлар натижасида, юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси Жаҳон ҳунармандлар Кенгаши (World Craft Council)нинг аъзоси бўлди. Ушбу ташкилот 1964 йилда Бельгияда нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, бой маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун семинарлар, конференциялар ва кўргазмалар ўтказиш орқали бутун дунёда ҳунармандчилик ташкилотларини қўллаб-қувватлайди. "Ҳунарманд" уюшмаси билан WCC ташкилоти ўртасида олиб борилган музокараларида WCC-APR (WCC-Asia Pacific Region) президенти Гада Каддуми мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ўзбек миллий ҳунармандчилигини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборни юқори баҳолади ҳамда ўзбек ҳунармандчилик мактаблари, анъаналари, қадриятлари ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган уста – шогирд мактаблари унда катта қизиқиш уйғотганлигини билдирди. WCCга аъзо бўлиш ўзбек ҳунармандларига халқаро ҳам-

корликни ривожлантириш учун, шунингдек, уларнинг хориждаги кўргазмаларини ташкил этиш ҳамда миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси учун кенг имкониятлар яратмоқда [8].

Мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантириш, унинг миллий қадриятларимиз давомийлигини сақлаш, уларни кенг тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида 2019 йил 3 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чоратадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5841-сонли Фармони алоҳида аҳамият касб этди.

Ушбу Фармонга биноан, халқаро ҳунармандчилик фестивалини ҳамда фестиваль доирасида "Ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказиб бориш таклифи маъқулланди, шу билан бирга, бир қатор вазифалар белгиланди (1-расм).



1-расм. Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиб бориш доирасида белгиланган вазифалар



Шу билан бирга, ушбу Фармонга асосан, халқаро ва маҳаллий тадбирларни ўтказишга масъул бўлган барча ҳукумат органлари зиммасига бир қатор вазифалар юкланиб, тадбирларни босқичма-босқич юқори савияда ўтказиш учун "йўл хариталари" тузиб чиқилди.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида, 2019 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги

ПҚ-4539-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан, 2023 йил 1 январга қадар Миллий каталог ва реестрга киритилган ҳунармандлар учун календарь йили давомида ҳунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн. сўмдан ошган, бироқ 1 млрд. сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз миқдоридан тўланиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдоридан ўрнатилди ҳамда Миллий каталогга киритилган ҳунармандларга шогирдлар сони бўйича чекловлар бекор қилинди.

- Нуфузли халқаро кўргазма, кўриктанлов каби тадбирларда ғолиб ёки лауреат сифатида эътироф этилганлар
- Тегишли соҳада санъат ва фан арбоби ҳамда академикларнинг тавсиясига эгалар
- «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонига эгалар

**Ҳунармандларни Миллий каталогга киритиш шартлари**

- Туристик маршрутдаги манзил бўйича ўз устахонасида ёки ижара асосида фаолият юритувчилар
- Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни галереялар, ҳунармандчилик маҳсулотлари дўконлари, маҳаллий ва хорижий савдо уйларига шартнома асосида намоён ва сотиш учун қўяётганлар
- Миллий каталогга киритилганлар
- «Ҳунарманд» уюшмасининг Бадиий кенгаши томонидан тавсия этилганлар

**Реестрга киритиладиган ҳунармандлар таркиби**

**2-расм. Ҳунармандларни Миллий каталог ва реестрга киритиш тартиби\***

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4539-сонли қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Таъкидлаш керакки, ушбу қарор қабул қилингунга қадар, уста ҳунармандлар учун бештадан ортиқ шогирд олиш мумкин эмас эди. Бу имконият ҳунармандлар сонининг ошиши, натижада, ҳам бандлик даражаси, ҳам келажакда ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳажмининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади. Мавжуд шарт-шароитлар яратишда, Миллий каталогга киритилган ҳунармандлар учун устуворлик қўлланилди.

Шунингдек, ҳунармандчилик фаолиятини молиявий жиҳатдан янада қўллаб-

қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4498-сонли қарорига мувофиқ, 2020 йил давомида ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури учун 589,3 млрд. сўм миқдоридан (шундан 470 млрд. сўм (50 млн. АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан кредитлар ажратилиши мақсади белгиланди.

Бугунги кунда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилётган бўлса-да, мазкур соҳа, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4539-сонли қарори ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Мазкур соҳага, асосан, бандликни таъминлашнинг бир йўли сифатида қарамай, балки миллий-маданий меросимизнинг ажралмас қисми сифатида дунёга тараннум этиш, авлоддан-авлодга етказиш, туризм имкониятларини кенгайтиришнинг самарали йўли сифатида устуворлик бериб, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисида" Қонунини қабул қилиш орқали уларни янада имтиёзли қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш лозим. Бизнинг бу борадаги таклиф ва тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Қонунчиликда ҳунармандлар учун имтиёзлар билан бир қаторда, ташқи иқтисодий фаолиятда манзилли преференциялар қўллашни ҳам назарда тутиш лозим.

2. Давлат томонидан имтиёзлар қўллаш, ер ва дўкон ажратишда ҳунармандларнинг фаолият йўналиши ва ҳунар турининг ўзига хос хусусиятига кўра ёндашган ҳолда уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш кераклиги қонунчиликда назарда тутилиши лозим. Чунки ҳар бир ҳунар тури бўйича зарур хом ашёни етиштириш, уни устахона-дўконларда ишлаб чиқариб сотиш жараёни бир-биридан фарқ қилади.

3. Қонун ҳужжатлари асосида амалда "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижда самарали сотиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳал қилишда

уларнинг бошқа вазирлик ва ҳукумат органларига қарамлигини камайтириш, чунки уюшма ўз фаолияти доирасида вазифаларни амалга оширишда ва ҳунармандлар учун зарур шарт-шароитларни яратишда жуда кўп ҳукумат органларига бевосита боғланиб қолган. Уюшмани маълум бир вазирлик таркибига қўшиш ёки давлат томонидан маълум харажатларини қоплаш бўйича фонд ташкил этиш зарур.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Mignosa A. 2019. *Policies for Crafts: Rationale and Tools. A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG. 52-p.*; Micelli S., *Futuro artigiano. L'innovazione nelle mani degli italiani, Venezia, Marsilio, 2011, Sintesi di Economia 51-p.*

2. <http://xs.uz/uz/post/hunarmand-uyushmasi-zhahon-hunarmandlar-kengashining-azosi-boldi>.

3. *Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ҳарфи. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2002. - 228 б.*

4. *Ўзбекистон ССР тарихи. 4 жилдлик. II жилд. - Т.: 1968. -170 б.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари:*

5.1. 1997 йил 31 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1741-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.2. 2002 йил 29 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1997 йил 31 мартдаги Фармонининг 2-бандида кўзда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш мuddатини узайтириш ҳақида"ги ПФ-3020-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.3. 2005 йил 28 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3588-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.4. 2010 йил 30 мартда қабул қилинган

"Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-4210-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.5. 2012 йил 6 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сонли Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ПФ-4469-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.6. 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.7. 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган "Хунарманд" уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3393-сонли қарор. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.8. 2017 йил 29 декабрда қабул қилинган "Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3451-сонли қарор. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.9. 2019 йил 3 октябрда қабул қилинган "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5841-сонли Фармон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5.10. 2019 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4539-сонли қарор. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)

6. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

6.1. 2009 йил 29 июлда қабул қилинган "Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 216-сонли қарор. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6.2. 2018 йил 27 ноябрда қабул қилинган "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 960-сонли қарори.

6.3. 2017 йил 2 сентябрдаги "Фарғона вилоятининг Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Риштон туманида хунармандчиликни яна-

да ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 687-сонли қарор.

6.4. 2017 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейини ташкил этиш тўғрисида"ги 1003-сонли қарор.

7. [https://soliq.uz/uz/press\\_center/news/hunarmandchilikni-rivojlantirish-yo-lida/?sphrase\\_id=1116664](https://soliq.uz/uz/press_center/news/hunarmandchilikni-rivojlantirish-yo-lida/?sphrase_id=1116664).

8. <http://xs.uz/uz/post/hunarmand-u-yushmasi-zhahon-hunarmandlar-kengashining-azosi-boldi>.

### **Хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари**

**Зулфия Хамидова,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

**Аннотация:** ушбу мақолада асосий эътибор мамлакатимизда чоризм даврида хунармандчилик фаолияти ҳамда хунармандларнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолати, мустақиллик йилларида соҳани бугунги кунга қадар қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар ва унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотда, асосан, мавжуд вазиятга даврий жиҳатдан ёндашилиб, таҳлил-синтез ва илмий абстракция усулларида фойдаланилди. Тадқиқот хунармандчилик ҳуқуқий-меъёрий асосларининг солиштирма таҳлили, унинг ўзига хос хусусиятлари қизиқувчилар, тадқиқотчилар ва соҳа мутасадилари учун муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** хунармандчилик, хунармандчилик турлари, уста – хунарманд, шоғирд, иш билан бандлик, имтиёз ва преференциялар, ишлаб чиқариш, савдо муносабатлари.

### **Правовые основы государственной поддержки ремесленной деятельности**

**Зулфия Хамидова,**

базовый докторант Ташкентского государственного экономического университета

**Аннотация:** в данной статье рассматривается текущее состояние социально-экономической деятельности ремесленников страны в период бывшего Союза, реформы, проведенные для поддержки отрасли за годы независимости, а также ее нормативно-правовая база. В данной статье, в основном, использовался периодический подход к текущей ситуации, а также методы анализа-синтеза и научной абстракции. Преимущество данного исследования заключается в том, что сравнительный анализ нормативно-правовой базы развития ремёсел, предоставленная информация для интересующихся и исследователей его особенностей важны и полезны, поскольку по данной теме не проведено достаточно исследований.

**Ключевые слова:** ремесла, виды ремёсел, мастер-ремесленник, ученик-ремесленник, занятость, льготы и преференции, производство, торговые отношения.

## Legal bases of state support of handicraft activities

**Zulfiya Khamidova,**

*Tashkent State Economic University,  
base doctoral student*

**Abstract:** this article examines the current state of the socio-economic activities of artisans in the country during the period of the Soviet Union, the reforms carried out to support the industry during the years of independence, as well as its regulatory framework. This study mainly used a periodic approach to the current situation, as well as methods of analysis-synthesis and scientific abstraction. The advantage of this study is that a comparative analysis of the regulatory framework for the development of crafts, the information provided for those interested and researchers of its features is important and useful, since there is not enough research on this topic.

**Keywords:** crafts, types of crafts, master craftsman, apprentice artisan, employment, privileges and preferences, production, trade relations.